

ЁЗ МАВСУМИ УЧУН ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ТУТ ИПАК ҚУРТЛАРИНИНГ НАСЛЛИ УРУҒЛАРИНИ ТАЙЁЛАШНИНГ РЕСУРС ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ

*Жуманиёзов Мансурбек Шомуротович
Рахмонов Акбар Турақул ўғли
Холиқова Санобар Ашур қизи*

Ипакчилик илмий-тадқиқот институти.

Аннотация. Ушбу мақолада ипак қуртининг ёз мавсуми учун импорт ўрнини босувчи тут ипак қуртларининг наслли уруғларини тайёлашнинг ресурс тежамкор технологиясини яратиш учун олиб борилган тажриба натижалари баён этилган. Тажрибалар учун тут ипак қуртининг юқори маҳсулдорликга эга *Bombyx mori L.* турига мансуб Асака, Марҳамат, Марварид ва Гўзал зотлари ҳамда Линия-220, Линия-221 тизимлари дастлабки материал сифатида танлаб олинган. Олиб борилган тадқиқотлардан ижобий натижалар олинган.

Калит сўзлар. дурагай, касалланиш, наслчилик, селекция, гетерозис.

Аннотация. В данной статье описаны результаты исследования, проведенных по созданию ресурсоэффективной технологии производства племенных семян тутового шелкопряда, способных заменить импорт на летний сезон тутового шелкопряда. Для опытов в качестве исходного материала были выбраны сорта Асака, Маркхамат, Марварид и Гузал, Линия-220, Линия-221 системы *Bombyx mori L.* с высокой продуктивностью тутового шелкопряда. По результатам проведенных исследований получены положительные результаты.

Ключевые слова: гибрид, болезнь, племенной, селекция, гетерозис.

Кириш. Жаҳон бозорида ипак толалари ва табиий ипакдан тайёрланган товарларга талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўзбекистонда етиштирилган пилла ва ипак толаларининг муайян қисми экспорт қилинмоқда. Ҳукуматимиз томонидан кейинги йилларда қабул қилинган қарорларда етиштирилаётган пилла ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилашга йўналтирилган вазифалар қўйилган. Табиийки, ушбу вазифаларни тўла ҳал қилиш учун ипак қурти селекцияси ва наслчилик ишини фаоллаштириш, импорт ўрнини босувчи сифатли ипак қурти уруғларини тайёрлашнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш ва пилла хирмонини янада кўпайтиришга қаратилган. Мамлакатимизда пилланинг ялпи ҳосилини кўпайтиришнинг муҳим резерви такрорий қурт боқишни ўзлаштиришдир. Албатта, такрорий қурт боқишнинг муваффақияти муайян озика базаси, уни ёз-кузги қурт боқишга тайёрлаш ва ёз мавсумининг иссиқ иқлим шароитида ҳам юқори пилла ҳосили берадиган зот ва дурагайларнинг мавжудлигига боғлиқ.

Адабиётлар шарҳи. Юқорида баён этилганлардан келиб чиқадики, такрорий курт боқиш учун тут ипак куртининг ёз-куз мавсумида иссиқ иқлим шароитига бардошли сермахсул саноатбоп дурагай уруғларини тайёрлаш энг долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади. Такрорий курт боқишни ноқулай ташқи муҳит шароитида ўтиши зотларни ўзаро частиштиришдан олинган дурагайларда гетерозис кучини баҳолашда ишончли натижаларга эришиш мумкинлиги Ш.Р.Умаров, У.Н.Насириллаев, С.С.Леженколар [1] томонидан аниқланган. Болгария ва Греция каби мамлакатларда ҳавонинг юқори ҳароратига чидамли, пилла ҳосилдорлиги юқори дурагайлар яратишда ноқулай шароитга мослашган донорлардан фойдаланишни Р.Тзенов ва D.Grekovлар тавсия этганлар [2].

Тадқиқот материаллари ва услубиёти

Ёз мавсуми учун импорт ўрнини босувчи ипак курти уруғларини тайёрлашга қаратилган тадқиқотлар Ипакчилик илмий-тадқиқот институти “Тут ипак курти селекцияси, экологияси ва кимёвий заҳарланиш профилактикаси” лабораториясида олиб борилди. Тажрибалар учун тут ипак куртининг юқори маҳсулдорликка эга *Bombux mori L.* турига мансуб Асака, Марҳамат, Марварид ва Гўзал зотлари, Линия-220, Линия-221 тизимлари дастлабки материал сифатида танлаб олинди.

Тадқиқот натижалари. Тажрибалар учун танлаб олинган ҳар бир зот ва тизимларнинг уруғлари жонлантиришга қўйилди, ва жонланиб чиққан куртлар парваришланди. Ипак куртлари 2-ёшга ўтганида куртлар ҳар бир зот ва тизимлардан 250 донадан 3 қайтаришда куртлар санаб олиниб парваришланди. Олиб борилган тажрибаларда куртларни ҳаётчанлик кўрсаткичлари, касалланиш фоизи каби кўрсаткичлари аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Баҳор мавсумида боқилган тут ипак куртларининг биологик кўрсаткичлари
 (Ипакчилик ИТИ 2022)

№	Зот ва тизимлар	Куртларнинг ҳаётчанлиги $\bar{X} \pm S \bar{x}$, %	Касалланиш фоизи $\bar{X} \pm S \bar{x}$, %
1	Асака	92,3±0,53	2,02±0,1
2	Марҳамат	92,4±0,7	3,6±0,5
3	Марварид	87,9±1,3	3,8±1,16
4	Гўзал	91,9±1,1	2,6±0,2
5	Линия-220	92,02±1,06	2,4±0,14
6	Линия-221	95,0±0,51	2,3±0,31

Ушбу жадвалда келтирилган маълумотларга муурожаат қилсак, куртларнинг ҳаётчанлик кўрсаткичи бўйича энг юқори натижалар Линия-221

тизимида намоён бўлди (95,0%). Касалланиш фоизи бўйича энг паст кўрсаткич Асака зотида кузатилди (2,02%).



1-расм. Қуртларнинг ҳаётчанлиги

Олиб борилган тадқиқотларда ипак қуртларининг пилла вазни, қобик вазни ва энг муҳим бўлган ипакчанлик кўрсаткичлари ҳам ўрганилди (2-жадвал).

2-жадвал

Баҳор мавсумида боқилган тут ипак қуртларининг пилла маҳсулдорлик кўрсаткичлари (Ипакчилик ИТИ 2022)

№	Зот ва тизимлар	Пилла вазни $\bar{X} \pm S \bar{x}$, г	Пилла қобиғи вазни $\bar{X} \pm S \bar{x}$, мг	Ипакчанлик $\bar{X} \pm S \bar{x}$, %
1	Асака	1,74±0,01	364±7,1	20,9±0,3
2	Марҳамат	1,96±0,96	412±5,6	21,0±0,8
3	Марварид	2,08±0,01	482±2,3	23,2±0,07
4	Гўзал	2,12±0,03	470±3,2	22,2±0,3
5	Линия-220	1,85±0,009	401±8,0	21,7±0,3
6	Линия-221	1,96±0,04	445±7,1	22,7±0,2

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, пилла вазни бўйича энг юқори кўрсаткичлар Гўзал ва Марварид зотларида кузатилди (2,12 г; 2,08 г).

Пилла вазни бўйича энг паст натижа Асака зотида кузатилди (1,74 г). Ипакчанлик бўйича эса энг яхши натижа Марварид зотида аниқланди (23,2 %).

Хулоса. Ёз мавсуми учун импорт ўрнини босувчи тут ипак куртларининг насли уруғларини тайёлашнинг ресурс тежамкор технологиясини яратиш учун олиб борилган тажрибалардан ижобий натижалар олинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Насириллаев У.Н., Леженко С.С., Умаров Ш.Р., Азизов Б.С. - Ёз-куз мавсумида энг юқори махсулдорлик хусусига эга бўлган дурагайларни синаш ва танлаб олиш. // Ипак. Тошкент, 2002. - №2. – Б. 13.
2. Tzenov P. and Grekov D. Breeding of tolerant to adverting conditions silkworm, *Bombyx mori* l. commercial hybrids. //Problems decision basis of the silk branch development. Tashkent. 2004. – 127-135 P.